

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
**DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
«ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

СУЛТАНОВ САНЖАР ЎРАЗАЛИЕВИЧ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МАШИНА ВА УСКУНАЛАРИНИ ФИЗИК-
КИМЁВИЙ КОРРОЗИЯДАН ҲИМОЯЛАШ УЧУН САМАРАЛИ
РЕСУРСТЕЖАМКОР КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАР
ВА УЛАРДАН ҚОПЛАМАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.07 – «Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси»
02.00.06 – «Юқори молекуляр бирикмалар»

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ –2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Султанов Санжар Ўразалиевич

Озиқ-овқат саноати машина ва ускуналарини физик-кимёвий коррозиядан химоялаш учун самарали ресурстежамкор композицион полимер материаллар ва улардан қопламалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Султанов Санжар Уразалиевич

Разработка эффективных ресурсосберегающих композиционных полимерных материалов и технологии получения покрытий из них для защиты машин и оборудования пищевой промышленности от физико-химической коррозии.....27

Sultanov Sanjar Urzalievich

Development of efficient resource-saving composite polymer materials and technologies for obtaining coatings from them to protect machines and equipment of the food industry from physico-chemical corrosion.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
«ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

СУЛТАНОВ САНЖАР ЎРАЗАЛИЕВИЧ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МАШИНА ВА УСКУНАЛАРИНИ ФИЗИК-
КИМЎИЙ КОРРОЗИЯДАН ҲИМОЯЛАШ УЧУН САМАРАЛИ
РЕСУРСТЕЖАМКОР КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАР
ВА УЛАРДАН ҚОПЛАМАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

**02.00.07 – «Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси»
02.00.06 – «Юқори молекуляр бирикмалар»**

**КИМЎИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.DSc/K201 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.gupft.uz ва «ZiyoNET» ахборот таълим портали (www.ziyo.net/uz) да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Негматов Сайибжан Садикович
техника фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА академиги

Негматова Комила Сайибжоновна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бабаев Туйғун Мирзаахмедович
кимё фанлари доктори, профессор

Мухиддинов Баходир Фахриддинович
кимё фанлари доктори, профессор

Тухтаев Феруз Садуллоевич
кимё фанлари доктори, доцент

Ётақчи ташкилот:

Тошкент кимё - технология институти


Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019.K/T.03.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «27» март соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (71)246-39-28; факс: (71)227-12-73; e-mail: fanvataraqqiyot@mail.ru; «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1-25 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (71)246-39-28; факс: (71)227-12-73).

Диссертация автореферати 2025 йил «17» март куни тарқатилди.
(2025 йил «07» январдаги №1-25 рақамли реестр баённомаси)




Т.О. Камолов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
раиси унвондари, т.ф.д., к.и.х.


М.Э. Икрамова
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.


А.М. Эминов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги вақтда дунёда агрессив муҳитларда ишлайдиган ускуналарни химоя қилиш учун антикоррозион қопламаларнинг бир неча хили қўлланилади. Бироқ улар юқори ҳарорат, намлик, кимёвий маҳсулотлар, тузлар, турли микроорганизмларнинг штаммлари, ишқорий ювиш воситалари билан ишлашда қўлланиладиган химоя қопламалар тезлаштирилган биологик парчаланишга учрайди. Натижада антикоррозион қоплама қопланган ускуналарнинг хизмат муддати қисқариб, ишлаш самарадорлиги пасайиб кетмоқда. Бу борада, жумладан, антикоррозион композицион материаллар ва улар асосидаги қопламаларни самарали таркибларини яратиш ва уларни олишнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда озиқ-овқат саноатида қўлланилиши мумкин бўлган бир қатор муҳим хусусиятларга эга бўлган, экологик ва кимёвий жиҳатдан тоза маҳсулотларни олиш имконини берувчи минерал хомашё ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш орқали антикоррозион композицион материаллар ва улар асосидаги қопламаларни олишнинг тежамкор усулларини яратиш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан композицион полимер материаллар асосидаги антикоррозион композицион қопламаларни самарали таркибларини ишлаб чиқиш, уларнинг чидамлилигини 15-20 баравар ошириш ва ускуналарни узоқ муддатли химоя қилиш учун биологик чидамли қопламалар яратиш, озиқ-овқат саноати маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташишда қўлланиладиган металл бакларга яратилган қопламаларни қоплаш орқали уларнинг эксплуатацион хоссаларини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда озиқ-овқат саноати ускуналарини коррозиядан химояловчи антикоррозион композицион материаллар ва улар асосидаги қопламаларнинг самарали таркибларини олиш усулларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб боришга катта эътибор қаратилиб, давлат стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегиясида «...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари, алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар учун асбоб-ускуналарни коррозиядан химоялашда янги самарали композицион полимер материаллар ва улар асосида қопламалар олиш технологияларини яратиш ва такомиллаштириш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини ривожлантириш чора-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60-сонли Фармони

тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сон "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи органларнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг янги тизимини жорий этиш ва тармоқларда кооперация алоқаларини жадаллаштириш учун жавобгарлигини янада ошириш тўғрисида" ги Қарорлари, 2020 йил 05 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегияси ва уни самарали ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Фармони, шунингдек ушбу фаолият билан боғлиқ ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Антикоррозион композицион полимер қопламалар ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Technische Chonnam National University (Корея), Universitat Munchen (Германия), Ebonyi State University (Нигерия), Istanbul Technical University (Туркия), Yunnan University (Хитой), Southwest Petroleum University (Хитой), Slovak University of Technology (Словакия), Ebonyi State University (Нигерия), Indian School of Mines (Хиндистон), Қозон давлат технологик университети (Россия), Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон), Тошкент кимё-технология институтида ва Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда антикоррозион композицион полимер қопламаларни иккиламчи махсулотлардан олиш ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд технологияларни такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар бўйича бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан саноат чиқиндилари асосида антикоррозион қопламаларни самарали таркиблари ишлаб чиқилган (Полимер материаллар илмий – текшириш институти (Россия), Indian School of Mines (Хиндистон), Ebonyi State University (Нигерия), Technische Chonnam National University (Корея)); иккиламчи махсулотларни қайта ишлатиш орқали коррозия бардош композицион полимер материаллар олишнинг самари усуллари аниқланган (Universitat Munchen (Германия), Istanbul Technical University (Туркия)); коррозияни олдини олиш учун ҳимояловчи композицион полимер материалларни олиш технологияси ишлаб чиқилган (Yunnan University (Хитой), Southwest Petroleum University (Хитой), Slovak University of Technology (Словакия)), коррозиябардош қопламаларни физик-кимёвий ва технологик хоссаларини, структураси ва уларни ишлаб чиқаришда содир бўладиган технологик жараёнларнинг механизмлари асосланган University of Texas at Austin,

Missouri University of Science and Technology, University of Houston, Texas Tech University.

Дунёда коррозияни олдини олиш ва унинг таъсирини камайтириш бўйича куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: металллар ва бошқа материаллар агрессив мухитда ишлаши натижасида вужудга келадиган коррозия муаммосини ҳал қилиш учун яратилган антикоррозион композицион қопламалар таркибидаги компонентларни минералогик ва комплекс таркибини аниқлаш; қопламаларни коррозияга қарши кўрсаткичларини янада ошириш учун уларнинг таркибига каррозиябардош нанозаррачаларни қўшиш; антикоррозион композицион қопламалар таркибидаги органоминерал ингредиентларнинг таркиби, тури, табиати ва нисбатларига қараб уларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларининг ўзгаришини аниқлаш; уларнинг механик, термокимёвий ва коррозияга қарши хусусиятларини яхшилаш; импорт ўрнини босувчи антикоррозион композицион қопламаларнинг янги таркибларини яратишнинг тамойилларини ва механизмларини илмий асослаш; маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида антикоррозион композицион қопламаларни олиш технологиясини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Антикоррозион композицион полимер қопламалар яратишга куйидаги олимлар ўз хиссаларини қўшганлар: Розенфельд И.Л., Журков С.Н., Коршак В.В., Фомин М.Н., Вольфсон С.А., Яковлев А.Д., Берлин А.А., Ениколопов Н.С., Емельянов Ю.В., Чернин И.З., Смехов Ф.М., Малинин А.В., Кравцов В.В., Минскер К.С., Марьин А.П., Жердев Ю.В., Карякина М.И., Скороходов О.Н., Козловский А.А., Рубинштейн Ф.И., академиклар Негматов С.С., Джалилов А.Т., профессорлар Юсупбеков А.Х., Тиллаев Р.С., Магруппов Ф.А., Таджиходжаев З.А., Акбаров Х.И., Жуманиязов М.Ж., Дюсебеков Б.Д., Курамбаев Ш.Р. ва бошқалар.

Мавжуд ишлар тахлилига кўра, шуни айтиб ўтиш керакки, юқори эксплуатацион, антикоррозион, адгезион, физик-механик хоссаларга эга бўлган озик-овқат асбоб ускуналари учун композицион полимер қопламалар ишлаб чиқаришда иккиламчи маҳсулотлардан тўлдирувчи сифатида фойдаланиш масаласи етарлича ўрганилмаган. Ушбу тадқиқот иши айнан шу мауммони ечишга бағишланган.

Илмий тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси илмий - тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ИОТ-2012-18 «Қишлоқ хўжалиги техникасининг чидамлилигини ошириш мақсадида эҳтиёт қисмлар юзасига қўллаш учун юқори ҳимоя қопламалари ва янги занг модификаторлари технологиясини ўзлаштириш»; №А-6-2013 «Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида барқарорлаштирилган композицион қопламаларни олиш учун самарали технологияларни ишлаб чиқиш»; №ЁА-12-

001 «Самарали антикоррозион композицион полимер материаллар ва улар асосида қопламалар яратиш» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади озиқ-овқат саноати машина ва ускуналарини физик-кимёвий коррозиядан ҳимоялаш учун самарали ресурстежамкор композицион полимер материаллар ва улардан қопламалар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: турли хил ускуналар ва иншоотларни ҳимоя қилиш учун антикоррозион полимер материалларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;

антикоррозион композицион қопламаларни ишлаб чиқиш учун объектларни танлаш ва асослаш;

эпоксид смоласининг органик ингредиентлар билан ўзаро таъсир механизмларини ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

эпоксид смоласининг алифатик бирикмалар билан ўзаро таъсир механизмини ва физик-кимёвий хоссалари ўрганиш;

эпоксид смоласининг ароматик бирикмалар билан ўзаро таъсир механизмини ўрганиш;

композицион полимер материалларнинг ўзаро бирикиш механизмини ўрганиш;

эпоксид ва эпоксид-полиэтилен аралашмалари асосида антикоррозион композицион полимер-полимер материалларини ишлаб чиқиш ва уларни лаборатория шароитида синовдан ўтказиш;

маҳаллий хом ашё минерал саноат чиқиндилари асосида коррозияга қарши юқори даражада тўлдирилган композицион полимер материаллар асосда қопламалар ишлаб чиқиш ва физик-механик хусусиятларини ўрганиш;

яратилган антикоррозион полимер-полимер ва композицион материалларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

тажриба намуналарини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш;

ишлаб чиқилган антикоррозион композицион полимер материаллари ва улар асосидаги қопламаларни турли хил озиқ-овқат саноати ускуналарининг ишчи юзаларини қоплаш орқали синовлардан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЭИС-1, Э-181 асосидаги композицион материаллар, паст зичликдаги полиэтилен (ПЗПЭ), пластификатор-дибутилфталат (ДБФ), аминли қотирувчилар-полиэтиленполиамин (ПЭПА) ва пипиридин олинган.

Тадқиқотнинг предметини ингредиентларнинг турига, таркибига ва нисбатига қараб материалларнинг физик, механик ва эксплуатацион хусусиятларидаги ўзгаришларнинг комплекс қонуниятларини ўрнатиш, шунингдек, ушбу қонуниятлар асосида композицион полимер материаллар ва қопламаларни олиш учун самарали таркиблар ва технологияларни ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда дастабки материалларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганишда стандарт

усулларидан фойдаланилди. Иссиқликка бардошлик ВИК ускунасида, нисбий қовушқоклик ГОСТ 8420-74, букилишдаги мустаҳкамлик ГОСТ 4648-71, адгезион мустаҳкамлик ГОСТ 14-760-69, электрофизик хоссалар ГОСТ 6433.2.3.4-71, коррозия чидамлилик ГОСТ 120-20-72 орқали аниқланди. ИҚ ва ЭПР-спектроскопиялардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

озик-овқат ишлаб чиқариш ускуналарини коррозиядан ҳимоя қилиш учун антикоррозия композицион полимер қопламалар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган термодинамик жиҳатдан мос келадиган (эпокси-эпоксиполимерлар) ва мос келмайдиган полимерлар (эпоксиполиэтилен) орасида содир бўладиган реакция механизмлари асосланган;

эпокси-эпоксиполимер композицион материаллардаги кимёвий реакция механизмларини асослаш орқали компонентларнинг полимер матричасига синергетик таъсири ва резервуарлар, контейнерлар ҳамда бошқа озик-овқат ускуналарида қопламани қўллаш натижасида, уларнинг коррозиябардошлилигини 1,5 мартага ошириши аниқланган;

ишлаб чиқилган антикоррозия композицион материалларнинг физик-кимёвий, механик ва эксплуатацион хусусиятларини яхшиланиши орқали саноат ускуналарининг ишлаш муддатини узайиши аниқланган;

ингредиентларнинг тури, таркиби ва нисбати таъсирини аниқлаш орқали шакллантирувчи антикоррозия композициянинг «таркиб-тузилиш-хусусият» каби корреляцион боғлиқлиги асосланган;

резервуарлар, идишлар ва бошқа озик-овқат ускуналарини коррозиядан ҳимоя қилиш учун коррозияга қарши қопламанинг оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

композицион полимер материаллар ва улар асосида қопламалар олишнинг илмий-услубий тамойиллари ҳамда эпоксиполиэтилен ва эпокси-эпоксид композицион полимер материаллар ва улар асосида қопламалар олишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: озик-овқат ва ичимликлар саноатини коррозиядан ҳимоя қилиш учун термодинамик жиҳатдан мос ва термодинамик жиҳатдан мос келмайдиган полимерларнинг оптимал композициялари ишлаб чиқилган;

антикоррозия композицион материал билан қопланган ускунанинг ҳеч қандай таъмирланмасдан туриб кимёвий барқарорлиги ошганлиги сабабли уларнинг иш унумдорлиги 2-2,5 бараварга ошганлиги аниқланган;

термодинамик мос ва термодинамик мос бўлмаган полимерлар асосида антикоррозия қоплама олиш технологияси ишлаб чиқилган;

озик-овқат ишлаб чиқариш саноати ускуналарини коррозиядан ҳимояловчи полимер композицион материаллар ва улар асосида қопламалар олиш учун илмий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган физик-кимёвий ва физик-механик ҳамда ИҚ -ва ЭПР –спектроскопия усуллар билан маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлаб, озик – овқат саноати

учун зарур бўлган антикоррозион композицион полимер қопламалар тайёрлашда муаллиф томонидан замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари қўллаб, ўтказилган бир қанча лаборатория ва саноат тажрибаларидан олинган натижаларга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти органоминерал ва ноорганик ингредиентларнинг табиати, тури ва таркибининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларига таъсирининг қонуниятларини аниқлаш орқали маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида антикоррозион композицион полимер қопламаларни яратиш ва ишлаб чиқариш тамойилларини назарий ва амалда асослаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу яратилган антикоррозион композицион полимер қопламаларни самарали таркибларини қўллаш орқали озиқ-овқат саноати ускуналарининг ишлаш қобилияти ва самарадорлигини ошириш ҳамда ёғ-мой саноати корхоналарида чигитларни қайта ишлашда фойдаланиладиган махсус диаратор баклар ва буғ қозонларида қўллаш орқали ускуналарнинг умрбоқийлигини оширганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Озиқ-овқат саноати машина ва ускуналарини физик-кимёвий таъсир натижасида коррозиядан ҳимоялаш учун самарали ресурстежамкор композицион полимер материаллар ва улардан қопламалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

антикоррозион композицион полимер материаллар ва улар асосидаги қопламаларни олишнинг ресурстежамкор технологияси Сирдарё вилоятидаги «Гулистон экстракт-ёғ» АЖ корхонасида амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси ЁҒ-МОЙСАНОАТИ КОРХОНАЛАРИ УЮШМАСИ»нинг 2024 йил 5 сентябрдаги №13С/4-311-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган антикоррозион композицион полимер материаллар ва улар асосидаги қопламаларнинг физик-кимёвий, механик ва коррозиябардошлик хоссасини 1,5 марта яхшилаш имконини берган;

ишлаб чиқилган антикоррозион қопламалар Сирдарё вилоятидаги «Рискибой-Мироншоҳ» МЧЖ корхонасидаги ускуналарда антикоррозион қоплама сифатида амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси ЁҒ-МОЙСАНОАТИ КОРХОНАЛАРИ УЮШМАСИ»нинг 2024 йил 5 сентябрдаги №13С/4-311-сон маълумотномаси). Натижада, корхонада фойдаланиладиган диаратор баклари ва металл конструкцияларининг ишлаш муддатини 2-2,5 марта ошириш имконини берган;

Антикоррозион композицион полимер қопламалар Сирдарё вилоятидаги «Гулистон экстракт - ёғ» АЖ ва «Рискибой-Мироншоҳ» МЧЖ корхоналарида амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси ЁҒ-МОЙСАНОАТИ КОРХОНАЛАРИ УЮШМАСИ»нинг 2024 йил 5 сентябрдаги №13С/4-311-сон маълумотномаси). Натижада, корхоналарда чигитни қайта ишлашда

фойдаланиладиган агрессив муҳитда ишлайдиган буг козонларининг ва насосларнинг ишлаш муддатини 1,5-2 бараварга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, ишлаб чиқилган КППМнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот апробацияси натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Антикоррозион полимер материалларнинг замонавий ҳолати ва уларни турли озиқ-овқат ускуна ва қурилмаларини коррозиядан химоя қилиш учун қўлланилиши**» деб номланган биринчи бобида сўнгги йилларда кенг қамровли таҳлил асосида ишлаб чиқилган турли хил антикоррозион ва полимер композитларнинг ҳолати ва қўлланилиши бўйича замонавий адабиёт манбаларининг таҳлили келтирилган ва улар асосида юқори физикавий ва механик хусусиятларга эга антикоррозион композит полимер материаллари ва қопламаларини олиш учун композицияларнинг самарали таркиби ва технологияларни яратишга қўйиладиган талаблар аниққса, зарбага бўлган мустаҳкамлик ва адгезион мустаҳкамлик келтирилган.


Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, агрессив муҳитда қўлланиладиган антикоррозион композицион полимер материаллар ва улар асосидаги қопламаларни ишлаб чиқишда, улар таркибига қўшиладиган органоминарал тўлдирувчиларнинг табиати, тури, таркиби ва нисбати ҳамда самарадорликни яратишда илмий асосланган ёндошувлар йўқлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Композицион полимер материаллар ва улар асосидаги қопламалар учун объектларни танлаш, хоссаларини ўрганиш усуллари» деб номланган иккинчи бобида объектларни танлаш ва асослаш, композицион полимер материаллари ва улар асосида қопламаларни олиш усуллари, шунингдек, композицион полимер материалларини ўрганиш усуллари, композицион полимер материаллар ва улар асосидаги қопламаларнинг антикоррозион ва физик-механик хусусиятлари келтирилган. Композицион полимер материалларнинг антикоррозион ва физик-механик хусусиятларини ўрганиш натижаларини статистик қайта ишлаш усули кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «Антикоррозион композицион материаллар ва қопламаларни ишлаб чиқиш мақсадида полимер материалларнинг органик тўлдирувчилар билан ўзаро таъсир механизми ва агрессив муҳитда емирилиш жараёнининг назарий жиҳатларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида эпоксид смоласининг алифатик ва ароматик бирикмалар билан ўзаро таъсирланиш натижалари келтирилган. Антикоррозион композицион полимер қопламаларни ишлаб чиқишда модификатор сифатида паст зичликдаги полиэтилен ишлатилган. Эпоксид смоласининг паст зичликдаги полиэтилен билан бирикиши куйидаги реакция орқали бориши аниқланган:




Улар орасида ковалент боғ ҳосил бўлаши ва реакция полимерланиш механизми остида кечиши ўрганилган. Бунда фаол марказлар сонининг ортиши натижасида эпоксид смоласининг модификацияси боради ва юқори молекуляр оғирликка эга бўлган композицион полимер материал ҳосил бўлади. Эпоксид смолаларининг ароматик бирикмалари ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида қўлланилади. Эпоксид-смоласининг олигомерлари кенг қўлланилади.




бу ерда $n=1-3$.

Аминоэпоксид смолалари юқори мустаҳкам ва иссиқликка чидамлили материаллар олишда кенг қўлланилади. Галогенсақловчи эпоксид смолалар эпихлоргидрин билан таркибида хлор, бром, фтор атомларини сақловчи компонентларнинг конденсацияси махсулотидир. Уларни куйма композициялар, елимлар, паст ёнувчи боғловчилар олишда қўлланилади. Эпокси-фенолли блок-сополимерлар (ЭФБС) эпоксид ва фенолли смолаларнинг кимёвий бирикишидан ва уларни ташкил этувчи функционал


гурухлардан иборатдир. ЭФБС лар эпоксидиан смолалари олишда кенг қўлланилади.



Тетраглицидил 4,4'-диамино-3,3'-хлордиаминодифенилметан ЭХД




Эпоксид смоласини қотириш мақсадида қолтирувчи сифатида полиэтиленполиамин $H_2N(CH_2CH_2NH)_nH$ (ПЭПА) ва пиперидин қўлладик. Қутбли ковалент боғлар ҳисобига эпоксид смоласининг пиперидин билан қотирилиши натижасида ҳосил бўлган композицион полимер материалнинг реакцияга киришиш қобилияти ортиб боради. Пластификатор сифатида дибутилфталат (ДБФ) ишлатилди. Самарали антикоррозион қопламалар ва эпоксид полимерларнинг умрбоқийлигини ошириш учун уларни турли хил кимёвий бирикмаларини ўрганиш керак. Металлар углеводородлар орасидаги бирикиш реакцияларининг механизмини комплекс ўрганиш полимер адгезивларнинг пленка оксидлари билан ҳар қандай метал юзасида ҳосил бўлиши аниқланди. Эпоксид смолалар металл юзасига таъсир механизми қуйида схема бўйича боради:



Диссертациянинг «Эпоксид ва эпокси-полиэтилен аралашмалари асосида антикоррозион композицион полимер-полимер материалларини таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш тадқиқ этиш ва уларни алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш» деб номланган тўртинчи бобида термодинамик жиҳатдан мос келмайдиган (эпоксиполиэтилен) ва термодинамик жиҳатдан мос келадиган (эпоксид-эпоксид) композицион материалларнинг мустаҳкамлиги ва адгезион хусусиятларини экспериментал тадқиқотлар натижалари ҳамда антикоррозион полимер-полимер композицион материаллар ишлаб чиқариш технологияси келтирилган. Антикоррозион полимер-полимер композицияларини ишлаб чиқиш учун биз ЭИС-1, Э-181 ва полиэтилен эпокси олигомерларининг аралашмаларини ўргандик. Полиэтилен миқдори 5-20 масс.қ., Э-181 эпоксид олигомерининг миқдори 10 дан 50 масс.қ. ни ташкил

этди. Компонентлар 10-25 минут давомиди 293-323 К термостатда аралаштирилади. Полиэтилен заррачаларининг эриши учун термик ишлов беришда температура 393 К етарли бўлади. Чўзилиш тезлигининг чўзилишдаги мустаҳкамлик ва адгезион бирикманинг мустаҳкамлигига (АБМ) таъсири кенг диапазонда (10-100 мм/мин) ўрганилди. Тажрибалар натижасида ЭИС-1:ПЭ системасида (1-расм) узилиш мустаҳкамлиги барча чўзилиш тезликларида (10-100 мм/мин) полиэтилен концентрацияси 5 масс.к.гача пасайганда экстремал равишда пасая бошлайди. Концентрация 15 масс.к. дан ошганда узилиш тезлиги 10 мм/мин дан ташқари монотон равишда пасаяди. 1-расмдан кўриниб турибдики, эгри чизикни 3 та участкага бўлиш мумкин: 1- участкада чўзилиш мустаҳкамлигининг пасайиши системага паст молекулар оғирликдаги полиэтиленни кўшилиши унинг фаза структурасини ўзгаришига олиб келади, у бўш (рыхлый) ҳолатга келади, натижажа ҳажим ошиб кетади.




Узилишдаги чўзилиш тезлиги: 1-10мм/мин; 2-20мм/мин; 3-50мм/мин; 4-80мм/мин

1-расм. Турли чўзилиш тезликларидаги эпоксиполиэтилен композициясининг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегарасининг полиэтилен миқдorigа боғлиқлиги


Эҳтимол, бу полиэтиленнинг дисперс фазаси мустаҳкамлик хусусиятларини амалга оширишда устун роль ўйнай бошлаганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, дисперс заррачаларнинг фаза фракциясининг ошиши билан фазанинг тескари ўзгариши содир бўлишини таъкидлаш керак. Шу билан бирга, ўрганилаётган материалнинг мустаҳкамлик чегараси полиэтиленга ўхшаш бўлади. Шу муносабат билан эпокси полиэтилен композицияларининг бир ўқли чўзилиш мустаҳкамлиги полиэтилен концентрациясига ва деформация тезлигига боғлиқлиги қурилган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики (2-расм), эгри чизиклар оиласининг маълум бир мунтазамликка эга, бу материалнинг мустаҳкамлик

параметрларини бутун ўрганилган композициялар ва деформация тезликлари бўйича 5% аниқлик билан аниқлаш имконини беради.



2-расм. Эпоксиполиэтилен композициясининг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегарасининг полиэтилен миқдорига ва чўзилиш тезлигига боғлиқлик номаграммаси


Э-181 эпоксид олигомерининг миқдори 30 масс.қ.дан ошганида ўзаро ўтказувчан тўр ҳосил бўлади. Бунда иккита вариант бўлиши мумкин: асосий матрицанинг эластификацияланиши ёки Э-181 матрицасининг заифланиши технологик параметрларга боғлиқлиги туфайли юзага келади (3-расм).



Узилишдаги чўзилиш тезлиги:
1-10 мм/мин; 2-20 мм/мин; 3- 50 мм/мин; 4-80 мм/мин; 5-100 мм/мин

3-расм.Турли чўзилиш тезлигидаги (ЭИС-1:Э-181) композициясининг мустаҳкамлик чегарасининг Э-181 миқдорига боғлиқлиги

Эпокси ва эпоксиполиэтилен аралашмаларининг адгезион бирикманинг мустаҳкамликлиги (АБМ), шунингдек, узилиш мустаҳкамлигини ўрганишда иккита полимер аралашмасида ўрганилди: 1- аралаш – эпокси олигомери ЭИС-1 – полиэтилен; 2 аралашма - эпоксиолигомер ЭИС-1 – эпокси олигомер Э-181. Узатилиш тезлигининг АБМга таъсири бўйича тадқиқотлар кенг диапазонда (10-100 м/мин) ўтказилди. Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатганидек (4-расм), АБМнинг полиэтилен таркибининг концентрацияга боғлиқлиги жуда катта. 4а-расмдан кўриниб турибдики, таркибидаги полиэтилен таркибининг 5 масс.қ. гача кўпайиши билан, 100 мм/мин бундан мустасно, барча чўзиш тезлиги учун АБМда сезиларли ўсиш мавжуд. Полиэтилен таркибининг янада ошиши билан АБМнинг монотон пасайиши кузатилади. Биринчи ҳолда, АБМнинг ўсишини матрицанинг мўртлигининг пасайиши ва унинг ички стрессларининг пасайиши билан изоҳлаш мумкин. Полиэтиленнинг юқори миқдори билан тизимнинг адгезияси сезиларли даражада ошади ва таркиби 20 масса қ. полиэтиленнинг таркиби аралашманинг хусусиятларини олади. Эҳтимол, полиэтиленнинг паст зичлиги билан у матрицада катта ҳажмни эгаллайди ва композицияни тўлдириш даражасига мутаносиб нисбатга мувофиқ матрицанинг субстрат билан ҳақиқий боғланиш майдонини камайтиради. Эҳтимол, АБМни камайтиришда асосий омил ҳисобланади. Матрицали тизимлар учун деформация тезлигининг ўзгариши билан адгезион мустаҳкамликнинг ўзгартириш қоидаси бузилади. Эпокси-эпокси композицияда АБМнинг композицияга боғлиқлиги анча мураккаб, аммо шунини таъкидлаш керакки, ушбу тизимларнинг мутлақ АБМ қийматлари полиэтилен билан ўзгартирилган композицияларга қараганда юқори (4-расм).



4-расм. ЭИС-1:Э-181 композициясининг адгезион бирикма мустаҳкамлигининг


Э-181 олигомери миқдорига (а) ва чўзилиш тезлигига (б) боғлиқлиги

1-жадвалда ҳар хил миқдорда Э-181 олигомери қўшилган эпокси-эпоксид композицион материалларнинг физик-механик хоссаларининг солиштирма кўрсаткичлари берилган.

**Ҳар хил миқдорда Э-181 олигомери қўшилган эпокси-эпоксид
композицион материалларнинг физик-механик хоссаларининг
солиштирма кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	ЭИС-1- 100 масс.қ. ПП-7 масс.қ.	Э-181 олигомерининг миқдори 100 масс.қ.				
		10	20	30	40	50
Узилиш мустаҳкамлиги, МПа	27,0	23,5	18,6	27,4	28,1	29,2
Букилиш мустаҳкамлиги, МПа	70,0	74,0	80,0	85,0	80,0	71,0
Қисилиш мустаҳкамлиги, МПа	180,0	182,0	188,0	194,0	190,0	183,0
Зарба қайишқоклиги, кДж/м ²	7	7,5	8,0	8,5	8,1	8,2
Адгезив мустаҳкамлиги, МПа	22,0	20,1	22,0	29,0	26,9	21,4
Бринель бўйича қаттиқлиги, МПа	200,0	210,0	220,0	218,0	205,0	195,0
Вик бўйича иссиқбардошлик, °С	150,0	150,0	154,0	160,0	155,0	150,0
24 соатда сувшимуvcчанлик, %	0,4	0,34	0,26	0,19	0,22	0,25


5-расмда асосий компонент миқдори ЭИС-1 100 масса қ., пиперидин – 7 масса қ.дан иборат бўлган таркибли эпоксиполиэтилен ва эпокси-эпоксид композициясининг полиэтилен ва Э-181 - эпоксид смоласи асосидаги қопламанинг 24 соат ичида сувни ютиши кўрсатилган.




**5-расм. Эпоксиполиэтилен ва эпокси-эпоксид
композицияларининг сув ютуvчанлигининг 24 соат (а), 90 сутка (б)
давомида полиэтилен (1) ва эпоксид смоласи Э-181 (2)нинг миқдorigа
боғлиқлиги**

5а-расмнинг 1-эгри чизигидан кўриниб турибдики, эпоксиполиэтилен композициясида полиэтилен миқдорининг ортиб бориши билан сув ютилиши камайиб боради. Сув ютуvчанликнинг 0,4 дан 0,13 % га кескин камайиши композиция таркибидаги полиэтилен миқдорининг 0 дан 15 масса қ. га ортиши натижасида рўй беради. Бу полиэтиленнинг ЭИС-1 га нисбатан кўпроқ гидрофоблик хоссасига эга эканлиги, унинг сувни ўзи юқтирмаслик хоссасига эга эканлиги сабабли унинг сув ютуvчанлиги пасайган. Шу билан бирга 90 сутка давомида сув ютуvчанлик қонуниятлари ҳам ўрганилган (5б-расм). Озиқ-овқат саноати салқин ичимликлар ишлаб чиқариш ва сақлаш шароити учун ишлаб чиқилган эпоксиполиэтилен ва эпоксид композицион

материалларнинг коррозияга чидамлилигини ўрганиш натижалари келтирилган.



а)




б)

6-расм. 100 масса қ. ЭИС-1 смоласи ва 7 масса қ. пиперидин ҳамда 10 (1) ва 15 (2) масса қ. полиэтилендан иборат намуналарнинг бўқиш хоссасининг уларнинг портвейн (а) ва «Салқин» ичимлиги (б) вақт бўйича бўкувчанлиги

6-расмда портвейн ва "Салқин" ичимлик ишлаб чиқариш ускуналарини 100 масса қ. ЭИС-1 ва 7 масса қ. пиперидин, 10 ва 15 масса қ. полиэтилен таркибли намуналарнинг вақт бўкувчанлиги кўрсатиб ўтилган.

7-расмда полимер композициясини олиш технологияси келтирилган.



1- ПЭНП учун идиш; 2-техногик тарозлар; 3- дюар; 4-дисмембратор; 5,6- эпоксид смоласи учун идиш; 7-ўлчагичлар; 8-аралаштиргич; 9-тайёр махсулот учун идиш; 10-котиргич учун идиш

7-расм. Антикоррозион полимер – полимер композицияси ишлаб чиқариш технологик линияси

Бу қуйидагича кечади, гранула кўринишдаги юқори босимли полиэтилен 1 идишдан 2 торозга тортиб олиш учун юборилади суьултирилган

азот солинган 3 дьюарда 2-3 минут ушлаб турилади. Сўнгра минус 100-120 градусда музлатилган гранулалар дисмембратор 4 га майдалаш учун юборилади. Дисмембраторда майда заррачалар 20 микронли кукун ҳолатига келтирилади. 5-идишдан ЭИС-1 ўлчагич 7 орқали аралаштиргичга юборилади. Шу ерга дисмембраторда майдаланган полиэтилен ҳам юборилади. Композицияни аралаштириш 25 минут давомида 130⁰да аралаштирилади. Бунда полиэтиленнинг эриган бир жинсли гомоген массаси ҳосил бўлади. Қотирувчилар истеъмолчига алоҳида темир сиғимларда етказилади.

Эпоксид-эпоксид композициясини олгандан сўнг, ЭИС-1 ва Э-181 5 ва 6 идишларидан эпоксид смолалар, рецепт бўйича, ўлчов стакан 7 орқали миксер 8 га берилади, бу ерда иккала компонент ҳам 25 дақиқа давомида аралаштирилади. 60⁰С ҳароратда композициядан фойдаланганда жойида, у 20-25⁰С ҳароратгача совутилади. У контейнер 10 дан, пиперидин ёки полиэтилен полиамин маълум миқдори миксер 8 га берилади ва аралаштириш 10-12 дақиқа давом этади. Тажриба синов ишлари «Дехконобод асл анори» ҚҚда 5-жадвалда кўрсатилган ишлаб чиқариш меърлари асосида олиб борилди. Бизнинг ҳолатда химояловчи қоплама ПП ва ПЭПА қотирувчиларни қопламани суртишдан аввал кўшиб аралаштирилади ва тайёр композиция субстратнинг сирт юзасига суртилади. Қопламани резервуар ва қувурларнинг сирт юзасига сепиш орқали қопланади.

2-жадвалда кўрсатилган корхонада қабул қилинган харажатлар стандартлари билан ПК “Дехконобод асл Анори” саноат объектларида тажриба-синов синовлари ўтказилди.

2-жадвал

**Шароб заводларининг асбоб ускуналари юзасида қўллаш учун
химоя қопламаларини истеъмол қилиш меърлари**

Резервуарлар ва ускуналарнинг номланиши	Сон и, дона	Ҳаж м, дал	Умумий ички юзаси, м ²	1 м ² га истемол даражаси, кг	Умуми й хаража тлар, кг
Темир-бетон идиш	2	8000	2640	0,3	792
Металл резервуар	3	530	300	0,3	90
Металл резервуар	4	500	294	0,3	88,2
Озиқлантирувчи бункер	3		90,0	0,3	27
Сут учун бетон чуқурлар	4		153,0	0,3	45,9
Қувурлар			600,0	0,3	180,0
Дренажлар	4		20,0	0,3	6,0
Жами			4097		1229,1

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган композициялар чидамли материаллар бўлиб, ускуналар ва иншоотларни коррозиядан химоя қилиш учун ишлатилиши мумкин.

Ишлаб чиқилган ЭПЭ ва ЭПП асосидаги антикоррозион композицион қопламаларни алкохолсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ускуналарининг ишчи органлаларида қўллашдан олинган иқтисодий самарадорлиги.

2022 йилда “Дехқонобод Асл Анори” ПК томонидан 694 кг ЭЛКОН ва АЛПОЛ бўёқ ва лок-бўёқ материаллари 56000 сўм/кг импорт қилинди, бу 38,864 млн.сўмни ташкил этди (ҳисоблашда божхона божи (0,2%), НДС(20%) ва акциз божи (10%) ҳисобга олинади).

Шу билан бирга, ЭИС-1 эпоксид смоласи ва полиэтилен асосида ишлаб чиқилган ҳимоя қопламаларидан фойдаланиш харажатларни сезиларли даражада камайтириши мумкин: уларнинг нархи 12 100 сўм/кг дан ошмайди (3-жадвал), бу уларни резервуарлар ва ускуналарни ҳимоя қилиш учун иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлади.

3-жадвал

ЭПЭ ва ЭПП асосидаги ишлаб чиқилган полимер-полимер ҳимояловчи қопламанинг таннархи

Номланиши	1кг маҳсулотнинг нархи,сўм	1 м ² га кетадиган қоплама, г	1 м ² га кетадиган харажатлар, сум
Эпоксид олигомери	58525 (450 руб)	100	5852,5
Полиэтилен -ПЭ	3500	15	52
ПЭПА	145 663	7	1020
ДБФ	267 615	10	2676
Бошқалар			2500
Жами		132	12100

Шундай қилиб, биргина “Дехқонобод Асл Анори” ПК корхонасида импортнинг камайиши ва 600 кг композицион полимер материали ишлатилиши 5056м² металл бак ва ускуналар учун ҳисобига биргина материалларни алмаштиришнинг иқтисодий самараси 28 млрд. 800 минг сўмни ташкил етди. Агар республикада 100 дан ортиқ корхона мавжуд деб ҳисобласак, биргина материалларни алмаштиришдан кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик 2 миллиард 880 млн сўмни ташкил этади.

$\Sigma = 38\,864\,000 - 7\,200\,000 \text{ сўм} \cdot 100 = 3 \text{ миллиард } 166 \text{ млн сўм.}$

Диссертациянинг **“Модификацияланган композицион фуран-эпоксид полимер материалларининг физик-механик ва антикоррозион хусусиятларини ўрганиш, уларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш ва ёғ -мой ишлаб чиқариш ускуналарида фойдаланиш учун улар асосида қопламалар олишнинг техник иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш”** деб номланган бешинчи бобида экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган, озиқ-овқат саноатидаги машиналар ва ускуналарнинг қисмлари, ишчи органлари юзасида антикоррозион қопламаларни олиш учун

композицион фуран-эпоксид полимер материалларининг физик-механик ва коррозияга чидамли хусусиятлари бўйича органоминарал тўлдирувчи моддаларининг таркиби ва ультратовушли ишлов беришнинг технологик омиллари келтирилган.

Фуран-эпоксид композицион материаллари ва улар асосидаги қопламаларнинг чидамлилигини ошириш ва хусусиятларини яхшилаш мақсадида композицион фуран-эпоксид полимер материаллари ва органоминарал ингредиентлар билан тўлдирилган ва ультратовушли ишлов бериш билан модификацияланган қопламаларнинг физик-механик ва коррозияга чидамли хусусиятлари бўйича тадқиқот ўтказилди. Қопламаларни ультратовуш билан ишлов бериш учун максимал акустик интенсивлиги 4 Вт/см^2 гача бўлган 1 МГц гача частотали тебранишларни қўзғатишга имкон берадиган ўрнатиш танланди. Ушбу диапазон оралиғида ультратовушнинг механокимёвий таъсири кучаяди ва турли хил кимёвий реакциялар кучаяди. 3-жадвалдан кўриниб турибдики, полимер композицияларини ультратовуш ёрдамида қайта ишлашда ишлов берилган тизимнинг ҳарорати $333\text{--}343 \text{ К}$ гача кўтарилади, модел тизими сифатида $333\text{--}343 \text{ К}$ гача қиздирилган композиция танланган (4-жадвал). Ультратовуш ишлов бериш вақтининг ошиши билан ишлов берилмаганга нисбатан композициянинг қовушқоқлиги 2 бараварга ва юза тортишиш кучи ҳам камай боради. Бинобарин, ишлов беришнинг дастлабки босқичида ультратовуш тизимнинг молекулалараро ўзаро таъсирга сезиларли таъсир кўрсатади, структуравий қовушқоқликни йўқ қилади ва мосликни, компонентларнинг ўзаро тарқалишини ва полимер композицияларининг бир хиллигини яхшилади. Модификацияланган намуналарнинг ИҚ - спектрларида эркин гидроксил гуруҳларининг деформация тебранишларига мос келадиган $3500\text{--}3600 \text{ см}^{-1}$ оралиғида ассимиляция диапазони ошиши кузатилди. Полимер тузилишида янги кимёвий боғланишлар ҳосил бўлди, бу 1725 см^{-1} диапозонида характерли ассимиляция чизиқлари пайдо бўлишидан далолат беради.

4-жадвал


Фуран-эпоксид композициясининг ультратовуш билан ишлов бериш вақтига боғлиқ ҳолда баъзи бир физик-механик хоссаларининг ўзгариши, суратда ультратовуш таъсири ва маҳражда температура

Композицион қопламанинг хоссалари	Таъсир этиш давомийлиги, с			
	0	300	600	900
Муҳитнинг температураси, К	296	333	340	343
Қовушқоқлик, с	56/56	45/42	38/18	36/20
Юза таранглиги, Н/м 10				
Олигомерники	6,43/6,43	6,03/5,48	5,90/5,00	5,86/4,51
Қотирувчини	5,54/5,54	5,18/4,86	4,65/4,30	4,53/4,20
Шаклланиш даражаси, %	84,3/84,3	87,3/87,6	87,8/89,7	88,5/91,2

Изоҳ: Х-20 масс.қ. ялтироқ графит таркибли композиция, қолганлари тўлдирувчисиз


8-расмда алюминий кукуни билан тўлдирилган композициянинг физик-механик ва электр хусусиятларининг ультратовушли ишлов бериш

давомийлигига боғлиқлиги кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, 600 с давомида ультратовушли билан ишлов беришдан сўнг, адгезион ва мустаҳкамлик хусусиятлари сезиларли даражада яхшиланади ва полимер қопламаси электр ўтказувчан бўлади. Адгезион мустаҳкамлик 2,0 кН/м дан 2,62 кН/м (32%) гача ошади ва плёнкаларнинг узилиши 9,2 МПа дан 15,7 МПа (65%) гача ошади. Ультратовуш билан ишлов беришнинг самарадорлиги асосан кукунсимон тўлдирувчи моддаларининг таркибига боғлиқ (8-расм). Тўлдирувчи таркиби қанчалик юқори бўлса, ультратовуш ёрдамида композицияларнинг хусусиятларини ошириш самараси шунчалик катта бўлади.



8 масс.к., -16 масс.к., -25 масс.к.
8-расм. Фуран-эпоксид қопламаларининг адгезион мустаҳкамлиги, чўзилишдаги мустаҳкамлиги ва ўзига хос нисбий ҳажм қаршилигининг алюминий кукунининг юқори концентрациясида ультратовуш таъсир қилиш муддатига боғлиқлиги

Мисол учун, агар 10 масса қ. ялтириқ графит, адгезион мустаҳкамлик ва модификацияланган қопламалар мустаҳкамлигига мос равишда 15 ва 50%, кейин 40 масса қ.да эса – 30 ва 60% ошади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, модификацияланмаган қопламалар учун 20 масса қ. ялтироқ графит оптимал ҳисобланади, ва ультратовуш ёрдамида, 50 масса қ. билан қопламалар ялтироқ графитли янада яхшиланган физик-механик хусусиятлар билан ҳам олиш мумкин, яъни.ультратовуш билан ишлов бериш тўлдирувчи таркибини ошириш орқали композициялар нархини 2,5 баравар камайтиради (9-расм).



$\delta_{ад}$ – адгезион мустаҳкамлик, кН/М:
 $\delta_{р.п}$ – чўзилишдаги мустаҳкамлик, МПа: Нм-микрокаттиклик, МПа.
9-расм. Ультратовуш билан модификацияланган (-) ва модификацияланмаган (- -) композицион фуран-эпоксид қопламаларининг хусусиятларининг ялтироқ графит таркибига боғлиқлиги
 Шундай қилиб,

органоминерал тўлдирувчи моддаларини ультратовушли ишлов бериш билан биргаликда ишлатиш фуран-эпоксид термореактив қопламаларининг физик-

механик ва коррозияга чидамли электр ва бошқа хусусиятларига сезиларли таъсир қилар экан.

